Фарғона вилояти Қўқон шаҳар “ Меҳр-мурувват ” Хайрия жамоат фондининг 2021 - йилдаги фаолияти тўғрисида
ҲИСОБОТ

(Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) номи)

1. ННТни адлия органида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ёки ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами				148 p-son	
2. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)				205172989	
3. ННТнинг реквизитлари тўғрисида маълумот					
жойлашган ери (почта манзили)	***жойлашган ери (почта манзили)дан фойдаланиш учун асос*** *(ўз мулкида, ижара, текинга ва бошқа асослар кўрсатилади)*		***электрон почта манзили***	***веб-сайти***	***телефон рақамлари***
Қўқон ш., Туркистон 100 - уй	Ижара		Rustamjon xusanov@gmail.com		905898718 905567677
4. ННТ раҳбари ҳақида маълумот	Ф.И.О.		Хусанов Рустамжон Равшанжон ўғли		
	туғилган йили		1992 йил		
	асосий иш жойи		“Меҳр-мурувват” ХЖФ		
	сайланган (тайинланган) санаси		01.12.2020		
5. Доимий асосда ишловчи раҳбар органи— _____ нинг таркиби *(номи кўрсатилади)*					
Ф.И.О. *(дастлаб раҳбар органга раислик қилувчи, сўнг аъзолари рўйхати кўрсатилади)*	***асосий иш жойи***		***лавозими***	***телефон рақами***	***сайланган (тайинланган) санаси***
Хусанов Рустамжон Равшанжон ўғли	“Меҳр-мурувват” ННТ		Бошқарув раиси	90 589 87 18	01.12.2020
Заитов Жамолхон Камолович	“Меҳр-мурувват” ННТ		Хайрия маблағларига масъул ходим	90 556 76 77	01.07.2021
Абдурахмонов Ўлмасбек Абдумалик уғли	“Меҳр-мурувват” ННТ		Кассир	90 857 01 23	01.07.2021
Иноятов Аминжон	“Меҳр-мурувват” ННТ		Хисобчи	91 200 21 63	01.12.2020
6. ННТда ишловчилар ҳақида маълумот*	жами ишловчи шахслар сони			15 нафар	
	шундан:	асосий иш жойи бўйича ишловчи ходимлар сони		4 киши	
		ўриндошлик бўйича ишловчи ходимлар сони			
		шартнома асосида маълум лойиҳа (дастур)га ёки ишни вақтинча бажариш учун жалб қилинган шахслар сони (ҳисобот даври давомида)		5 киши	
		жамоатчилик асосида ишловчи шахслар сони *(ҳисобот даври давомида)*		6 киши	
	ишловчи чет эл фуқаролари сони *(ҳисобот даври давомида)*				

7. ННТ аъзоларининг сони*(ННТ уставида аъзолик назарда тутилган тақдирда кўрсатилади)*	
8.ННТнинг ваколатхона ва филиаллари *(ҳудудий бўлинмалари)* сони*(мавжуд бўлган тақдирда)*	

9. ННТ билан йил давомида ҳамкорлик қилган ташкилотлар бўйича маълумотлар

ҳамкор ташкилотлар номи	***ҳамкорлик қилиш асослари*** *(хат, шартнома, келишув, меморандум ва бошқалар мавжуд бўлган тақдирда илова қилинади)*
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди	2020 йилда Грант 66-03/184 – сонли сертификат
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб – қувватлаш жамоат фонди	Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб – қувватлаш жамоат фондининг грант ажратиш тўғрисида 03.12.2021 – йилдаги 03/21 – сонли шартнома

10. ННТ аъзо бўлган халқаро, чет эл ва маҳаллий ташкилотлар бўйича маълумотлар

ташкилот номи	***манзили***

11. ННТ иштирокида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари бўйича маълумот

тадбиркорлик субъектининг номи	***тадбиркорлик субъектининг СТИРи***	***тадбиркорлик субъектида ННТнинг улуши*** *(фоизда)*

12. Ҳисобот даврида тайёрланган босма, аудиовизуал ва бошқа материаллар бўйича маълумотлар

материаллар номи	***материаллар тури***	***адади***

13. ННТнинг барча миллий ва хорижий валюта ҳисобварақаларидаги пул маблағлари айланмаси бўйича маълумотлар*(ҳар бир ҳисобварақ кесимида алоҳида устунда суммалар рақам билан кўрсатилади, ҳисобварақалар сони устунлар сонидан кўп бўлганда янги устун қўшилади)*

Маблағлар айланмаси йўналиши		***Банк номи: _ "Миллий Банк" Қўқон Филиали, МФО: 00545, ҳисобварақ рақами: 20212000504344012001, иккиламчи ҳисобварақ рақами: 22696000604344012001, ҳисобварақ валютаси: _____.***	***Банк номи: _____, МФО: _____, ҳисобварақ рақами: _____, ҳисобварақ валютаси: _____.***	***Банк (Ғазначилик органлари) номи:_____ __, МФО: _____, Банк (ғазна) ҳисобварақ рақами: _____, ҳисобварақ валютаси: _____.***
Ҳисобот даври бошига қолдиқ маблағ		**13 765 789,72**		
Ҳисобот даврида келиб тушган маблағлар миқдори	Бош ташкилотидан *(бош ташкилоти мавжуд бўлган тақдирда)*			
	Тадбиркорлик фаолиятидан			
	Ноширлик фаолиятидан			
	Грантлардан	**70 000 000**		

	Ҳомийлардан	**446 903 851** **71 188 041, 40** пластик картадан		
	Чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан			
	Кириш ва аъзолик бадалларидан			
	Бошқа манбалардан *(турини кўрсатган ҳолда)*			
	Жами	**588 091 892,40**		
Ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлар	ходимларнинг иш ҳақига	**16 864 800**		
	асосий воситаларни харид қилишга			
	солиқларга	**4 788 400**		
	ўтказилган тадбирларга	**1 400 000** сўм		
	ҳомийлик фаолиятига	**499 221 394,12**		
	хизмат сафари, коммунал тўловлар, ижара ҳақи, интернет, алоқа, банк хизматига	**3 527 600** сўм (**1 500 000** (хизмат сафари) сўм, **1 689 350**(интернет)сум **338 250** (банк хизмати)сум)		
	бошқа харажатларга *(турини кўрсатган ҳолда)*	**5 981 000** сум(рўйхатга олиш,печат,щтамп,чек дафтари,реклама		
	Жами	**531 783 194,12**		
Ҳисобот даври охирида қолдиқ маблағ		**70 074 488**		

14. ННТ томонидан ҳисобот даврида чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинган мол-мулклар ва улардан фойдаланиши бўйича маълумот

ННТга мол-мулк ажратган юридик шахс номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.	***мол-мулкнинг тури***	***мол-мулк суммаси***	***Мол-мулкнинг тарқатилиш ёки сарфланиш йўналиши***	***Тарқатилган ёки сарфланган мол-мулк суммаси***

15. ННТ томонидан амалга оширилган лойиҳалар (дастурлар) ҳақида маълумот

	Лойиҳа		***Лойиҳа (дастур)***	***Донор ташкилот***

Лойиҳа (дастур) номи	***амалга оширилган ҳудуд номи***	***Ажратилган маблағ миқдори***	***юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумот*** *(илова қилиниши мумкин)*	***номи*** *(мавжуд бўлган тақдирда)*
“Иқтидорли ёшларни излаб ...”	Фарғона вилояти Фурқат ва Бешариқ туманлари ҳудудида	38 000 000 сўм	2021 – йил январ ойи. 1.Лойиҳа юзасидан ташкилий ишларни бажариб, икки чегарадош чекка қишлоқлар орасида ҳаммага қулай ҳудудда ёш йигит ва қизларни театр ва тасвирий санъат тўгарагида шуғуллантириш учун бепул, аренда тўловисиз ажратилган ва зарур ускуналар билан жиҳозланган жойда малакали мутахассислар томонидан 60 нафар ёш йигит ва қизларга қизиқишларига қараб театр ва тасвирий санъат сирларидан сабоқлар берилди. 2. Лойиҳа жараёнида буюк сиймолар ва замонамиз қаҳрамонлари образи бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган иккита спектакл саҳналаштирилди ва тақдимот маросимида кенг жамоатчиликка намойиш этилди. 3. Қатнашчилар лойиҳа жараёнида олий ўқув юртларига кириш учун амалий имтиҳонларга тайёрландилар ва 2 чегарадош олис қишлоқларда ўтказилган давра суҳбатларида 100 дан	*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди*

			ортиқ фуқаролар лойиҳа тўғрисида ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳақида маълумот олишди. 4. Лойиҳа жараёнида олиб борилган машғулотлар орқали 60 нафар ёшларнинг жамиятдаги ролини оширишга ёрдам кўрсатилди. 5. Лойиҳа фаолияти ҳақидаги маълумотларни Оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ўсмирларнинг бўш вақтларини ўтказиш муаммосига бошқа худуддаги потенциал шерикларни жалб қилишга ёрдам берди. 6. Лойиҳа қатнашчилари ижтимоий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш доирасида имтиёзларга эга бўлдилар. Чунки ҳозирги кунда деярли барча хизматлар пуллик. Ҳар бир оила ҳам бу каби тўловларни амалга ошира олмайди. Ўтказилган учрашувлар ва ТВ орқали намойиш этилган кўрсатувлар 3 миллиондан ортиқ томошабинларни қамраб олди. Мамлакатимизда ёш авлодни ривожлантириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан, ННТлар фаолияти, ёш авлодни ривожлантириш учун грантлар ҳақида, фондлар ва ижтимоий шериклик ҳақида	

			хабардор бўлишди. Агар ёшларни ҳаётдаги қизиқишларига тўғри йўналтирилса, улар мўжиза яратишлари мумкинлигини гувоҳи бўлишди. * Ушбу лойиҳада қатнашган ёшлардан Ўлмасбек Абдурахмонов, Исломжон Сойибназаров, Одина Хўжамбердиева, Абдумутал Абдурахимов, Фаррух Омонхўжаев Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига давлат гранти ва контракт асосида ўқишга қабул қилинди.	
“Ҳар бир бола Янги Ўзбекистон эътиборида!”	Фарғона вилояти, Учкўприк, Данғара ва Ўзбекистон туманлари худудида	70 000 000 сўм	**“Ҳар бир бола Янги Ўзбекистон эътиборида!”** лойихаси 2022 – йил январ ойидан бошлаб амалга оширилади.	*Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб – қувватлаш жамоат фонди*

16. Ҳисобот даврида ННТ вакилларининг ННТнинг фаолияти билан боғлиқ хорижий давлатларга сафарлари ҳақида маълумот

ННТ вакилининг Ф.И.О.	***Хорижий давлат номи***	***Таклиф қилган юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О. (таклиф бўйича борганда)***	***Сафар мақсади***	***Сафар санаси*** *(бошланиш ва тугаш санаси кўрсатилади)*

17. Ўтказилган тадбирлар*(конференция, семинар, тренинг, йиғилиш, акция, давра суҳбати, учрашув, спорт мусобақалари ва бошқа шаклларда шахсларни тўплаш)***тўғрисида маълумот**

Тадбир мавзуси	***Тадбир ўтказилган жой***	***Тадбир ўтказилган сана*** *(кун, ой, йил)*

Мехримиз сиз учун” номли байрам хайрия тадбири	Қўқон шаҳар “Шодиёна” тантаналар саройи	2021 йил 13 – феврал куни соат 12 : 30 да
“Мехр ва мурувват” тўйи “Ампутант” футболчиларни қўллаб-қувватлаш.	Қўқон шаҳар “Турон” тантаналар саройи Наманган шахри	2021 йил 6 – 9 март кунлари
“Рамазон туҳфалари” акцияси	Қўқон шахри	2021 – йил 26 – апрел ва 7 – май кунлари
“Шайхон” қабристонига ёрдам акцияси	Қўқон шахри	2021 – йил 10 - май куни
“Ёш актёр ва актрисалар” кўрик танловига хомийлик	Қўқон шахри.	2021 – йил 31 - май.
“Оналарга эхтиром” акцияси	Қўқон шахар марказий шифохонаси	2021 – йил 31 - май куни.
“Ҳайит байрамингиз муборак бўлсин” акцияси	Қўқон шахри	2021 – йил 20 - июл
“Ўқув қуроллари” акцияси	Қўқон шахри	2021 – йил 6 – сентябр куни
“Хамкорлик озиқ-овқат” акцияси	Қўқон шахри ва атроф туманлар	2021 – йил 29 – ноябр
3 – декабр “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан хайрия тадбири	Қўқон шаҳар “Шодиёна” тантаналар саройи	2021 йил 2 декабр.

18. ННТ томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида юқоридаги бандларда

кўрсатилмаган қўшимча маълумотлар*(илова қилиниши мумкин)*

“Мехримиз сиз учун” номли байрам хайрия тадбири

2021 йил 13 – феврал куни соат 12 : 30 да Қўқон шаҳар “Шодиёна” тантаналар саройига 200 нафар етим болалар ва мискинлар “Мехримиз сиз учун” номли байрам хайрия тадбирига таклиф этилди, байрам дастурхонида барча ноз-у неъматлар, уч хил таомлар бўлди, Шодиёна” тантаналар саройи раҳбари томонидан битта 2 000 000 сўмлик қўй сўйилди, 1 000 000 сўмга суюқ таом, 1 000 000 сўмга босма таомлари тайёрланди. “Турон” футбол клуби томонидан йиғилганларга 2 000 000 сўмлик футбол тўплари улашилди, “Япроқ” МЧЖ томонидан 3 000 000 сўмлик пайпоқлар совға сифатида тақдим этилди, 700 000 сўмга эртак қаҳрамонлари олиб келинди, 1 000 000 сўмга мева-чева ҳамда 1 000 000 сўмга ширинликлар ҳарид қилинди, колбаса, қази ва пишлоқ учун 800 000 сўм сарфланди, овоз кучайтиргич апарати ҳолис қўйиб берилди, тўйхона хизмати учун 1 000 000 сўм, шарлар учун 165 000 сўм, салатлар учун 150 000 сўм, карнай-сурнай учун эса 80 000 сўм сарфланди. Қуруқ мевалар Исақжон исмли кўнгилли томонидан 400 000 сўмга ҳарид қилиб берилди. Хайрия тадбири учун сарфланган жами 13 495 000 сўмлик барча сарф харажатлар ўша куннинг ўзида тадбир хомийлари томонидан қопланди.

“Мехр ва мурувват” тўйи

2021 йил 27 – феврал куни Қўқон шаҳар “Турон” тантаналар Саройида “Мехр ва мурувват” тўйи ўтказилди. Ушбу тўйга 100 нафар келин ва куёвларнинг яқин қариндошлари, 75 нафар шаҳар кар-соқовлар жамияти аъзолари, 75 нафар кўзи ожизлар жамияти аъзолари, 150 нафар шаҳар ногиронлар жамияти аъзолари ва 100 нафар ижтимоий химояга мухтож, боқувчисини йўқотган фуқаролар таклиф этилди. “Мехр ва мурувват” тўйига керакли бўлган барча ҳаражатлар ва тўй дастурхони ягона ҳомий “Турон” тантаналар саройи томонидан қопланди. Умумий хисобда “Мехр ва мурувват” тўйи учун жами 20 000 000 сўм пул маблағи сарфланди. Келин куёвларга Қўқон шаҳар ҳокими Маъруф Аъзамович Усмонов замонавий Музлатгич, телевизор ва печ совға қилди.

“Ампутант” футболчиларни қўллаб-қувватлаш.

2021 йил 6 – 9 март кунлари Наманган шахрида имконияти чекланган шахслар ўртасида “Ампутантлар” футболи бўйича Республика мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақанинг барча иштирокчиларига Мехр-мурувват ” Хайрия жамоат фонди томонидан нархи 200 000 сўмдан бўлган 6 та эркаклар костюми ва 5 та аёллар плаши, 1 170 000 сўмга донаси 18 000 сўмдан бўлган 65 дона хрустал мева идишлар харид қилиниб мусобақасининг барча 65 нафар иштирокчиларига тарқатилди. Умумий хисобда “Ампутантлар” футболи Республика мусобақасининг иштирокчиларига совғалар харид қилиш учун 3 370 000 сўм пул маблағи сарфланди.

“ Рамазон туҳфалари ” акцияси

2021 – йил 26 – апрел ва 7 – май кунлари Муқаддас Рамазон ойи муносабати “ Рамазон туҳфалари ” акцияси ташкил этилди ва акция доирасида доирасида 244 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таминланган фуқароларга жами 19 657 000 сўмлик Рамазон туҳфалари яни озиқ-овқат маҳсулотлари Қўқон Дехқон бозоридан харид қилиниб бепул, беғараз тарқатилди. Хомийлар томонидан ширинлик, хайитлик ва ўйинчоқ қўринишида тақдим қилинган 10 000 000 сўмлик хайриялар ижтимоий химояга мухтож фуқароларнинг фарзандларига бепул беғараз тарқатилди.

“Шайхон” қабристонига ёрдам акцияси

2021 – йил 10 - май куни Қўқон шахар “Шайхон” қабристонига янги тобут ва майитни ювиш учун мослама тайёрлаб берилди ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 1 289 000 сўм сарфланди.

“Ёш актёр ва актрисалар” кўрик танловига хомийлик

2021 – йил 31 - май куни Қўқон шахар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган “ Ёш актёр ва актрисалар ” кўрик танловига “ Мехр-мурувват ” Хайрия жамоат фонди хомийлик қилиб танловда 1 – ўринни эгаллаган иштирокчига 2 000 000 сўмга 1 та телевизор, 2 – ўринни эгаллаган иштирокчига 700 000 сўмга 1 та электро печ, 3 – ўринни эгаллаган иштирокчига 600 000 сўмга 1 та чанг ютгич, 600 000 сўмга хакамлар хайъати аъзолари учун совғалар, 300 000 сўмга танловда фаол иштрок этган 12 нафар иштирокчиларга эсдалик совғалари ва 200 000 сўмга барча иштирокчиларнинг фахрий ёрлиқлари учун рамкалар харид қилинди. Умумий хисобда танлов учун 4 400 000 сўм пул маблағи сарфланди.

“Оналарга эхтиром” акцияси

2021 – йил 31 - май куни Оналарга эхтиром фестивали доирасида шахар марказий шифохонаси кардиология бўлимида юрак пороги ва бошқа юрак касалликлари билан оғриган онахонларнинг холидан хабар олиш мақсадида кардиологик поликлиникага бепул ваучерлар ва 100 000 сўмга гул хамда 100 000 сўмга эсдалик совғалари харид қилиниб уларга тақдим қилинди ва байрам билан табрикланди.

“Ҳайит байрамингиз муборак бўлсин” акцияси

2021 – йил 20 - июль куни “ Меҳр-мурувват ” Хайрия жамоат фонди томонидан Муқаддас Қурбон Ҳайити куни “Ҳайит байрамингиз муборак бўлсин” номли хайрия акцияси ўтказилди. Акция доирасида бир нафар хомий томонидан 9 700 000 сўм харажат қилинди, булар донаси 20 000 сўмдан бўлган 450 дона 9 000 000 сўмлик хайитликлар харид қилиб берилди ва карнай-сурнайчиларга 400 000 сўм, эртак қахрамонлари учун 300 000 сўм жами 9 700 000 сўм маблағ бир нафар хомий томонидан қопланди. Шахар бўйлаб болажонларга хайитликларни тарқатиш учун автобус “EURO PRINT” МЧЖ томонидан бепул беғараз тақдим этилди. Жами 450 дона хайитликлар карнай-сурнай садолари ва эртак қахрамонларининг кўтаринки кайфияти билан ижтимоий химояга мухтож фуқароларнинг фарзандларига бутун шахар бўйлаб тарқатилди. Фонд томонидан битта қўй харид қилинди икки нафар хомий томонидан эхсон қилинган 500 кг лик умумий қиймати 30 000 000 сўмлик бўлган буқа сўйиб берилди, бундан ташқари икки нафар исмини ошкор қилишни истамаган кўнгилли хомийлар бирлари 50 кг яна бирлари 25 кг гўшт эхсон қилдилар. Умумий хисобда ҳайит куни 625 кг қиймати 39 875 000 сўмлик гўшт махсулотлари ижтимоий химояга мухтож фуқароларга тарқатилди. Умумий хисобда “Ҳайит байрамингиз муборак бўлсин” номли хайрия акцияси учун 49 575 000 сўмлик хайрия ва хомийлик маблағлари сарфланди.

“Ўқув қуроллари” акцияси

2021 – йил 6 – сентябр куни мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан 2021 – 2022 – ўқув йили олдидан ижтимоий химояга мухтож фуқароларнинг 25 нафар фарзандларига 1 000 000 сўмлик ўқув қуроллари харид қилиб берилди.

“Хамкорлик озиқ-овқат” акцияси

2021 – йил 29 – ноябръ куни “ Меҳр-мурувват ” Хайрия жамоат фонди Қўқон шахар “Асмалд” мехмонхонаси билан хамкорликда озиқ-овқат акцияси ўтказилди. Акция давомида Қўқон шахри ва шахарга қўшни туманларда истиқомат қиливчи боқувчисини йўқотган 50 та оилаларнинг хар-бирига 325 000 сўмлик озиқ-овқат махсулотлари ва хўжалик воситалари тарқатилди.Умумий хисобда акция доирасида 50 та боқувчисини йўқотган оилаларга 16 250 000 сўмлик хайриялар тарқатилди.

3 – декабр “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан хайрия тадбири

2021 йил 2 декабръ куни “Меҳр-мурувват” хайрия жамоат фонди томонидан Қўқон шахар хокимлиги, Асмалд мехмонхонаси ва Евро Принт корхонаси хамкорлигида 3 – декабр “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан Қўқон шаҳар “Шодиёна” тантаналар саройида байрам хайрия тадбири ўтказилди. Хайрия тадбирига кўзи ожизлар жамияти, кар соқовлар жамияти, “Эзгу ният” маркази аъзолари, байналминал жангчи фахрийлар уюшмаси, Афғон уруши ва Чернобил қатнашчилари жами 200 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган фуқаролар ташриф буюришди. Байрам дастурхонида барча ноз-у неъматлар, уч хил таомлар бўлди ва барча ногиронлиги бўлган фуқароларга “эсдалик байрам совғалари тарқатилди. Мехмонларни кайфиятини кўтариш учун санъаткорлар таклиф этилди. Шодиёна танталар саройи тадбир учун хайрия сифатида бепул хизмат кўрсатди, овоз кучайтиргич аппарати бепул хизмат қилди. Барча таомлар ва егуликларни тайёрлаш учун махсулот кўринишидаги хайриялар Асмалд мехмонхонаси ва Евро Принт корхонаси томонидан харид қилиб берилди. Байрам эсдалик совғалари “Япроқ” мчж томонидан тақдим этилди.

Умумий хисобда байрам хайрия тадбирини ўтказиш учун юқорида номлари кўрсатилган хомийлар томонидан 11 155 000 сўмлик махсулот кўринишидаги хайриялар тадбир қатнашчилари бўлган ногиронлар учун тақдим этилди ва хизмат кўрсатди.

“Озиқ-овқат” акцияси

2021 – йил давомида “Озиқ-овқат” акцияси доирасида 402 нафар ижтимоий химояга мухтож оилаларга жами 94 495 000 сўмлик озиқ овқат махсулотлари тарқатилди.

“Кийим-кечак” акцияси

2021 – йил давомида “Кийим-кечак” акцияси доирасида 196 нафар ижтимоий химояга мухтож фуқароларга жами 25 064 000 сўмлик кийим – кечаклар харид қилиб берилди ва жами 70 дона умумий қиймати 14 000 000 сўмлик курткалар махсулот кўринишида хайрия қилинди ушбу 70 дона қишки курткалар хам эхтиёжманд фуқароларга тарқатилди.

“Моддий пул маблағлари ёрдами”

2021 – йил давомида 23 нафар ижтимоий химояга мухтож фуқароларга жами 16 597 000 сўмлик моддий ёрдамлар нақд пул кўринишида тарқатилди.

“Ногиронлик аравачалари”

2021 – йил давомида **7** нафар ногиронлиги бўлган имконияти чекланган фуқароларга жами 7 дона **11 020 000** сўмлик ногиронлик аравачалари харид қилиб берилди.

“Қурилиш ва таъмирлаш ишлари”

2021 – йил давомида“ Меҳр – Мурувват ” хайрия жамоат фонди томонидан “Муқимий” шахарчаси 15/41 уйда яшовчи фуқаро Махмудова Санобар хонадонида 38 270 000 сўмлик. Қўқон шахар “Сохибзодахазрат” 3 –тор кўчаси 13 – уйда яшовчи фуқаро Толипов У.нинг хонадонида 3 900 000 сўмлик, Қўқон шахар “Сўлимбоғ” кўчаси 40 – уйда яшовчи фуқаро Хамроқулов Бахромжон хонадонида 2 077 000 сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва кўзи ожиз ва ногирон фуқаролар истиқомат қиладиган худудда болалар майдончаси қуриб битказилди. Майдончани қуриш ва фойдаланишга топшириш учун 39 533 000 сўм маблағ сарфланди.

Умумий хисобда “Қурилиш ва таъмирлаш” акцияси доирасида 83 780 000 сўм маблағ сарфланди.

“Меҳр-мурувват” уйи

2021 – йилда “Меҳр-мурувват” хайрия жамоат фонди томонидан боқувчисини йўқотган оилалар учун “Меҳр-мурувват” уйининг қурилиши бошланди ва 2021 – йил давомида уйининг қурилиши учун 455 909 658 сўм хайрия ва хомийлик маблағлари сарфланди.

19. Аудиторлик текшируви ўтказилган сана *(фақат жамоат фондлари учун)*	
20. Фаолияти бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳисобот санаси ва эълон қилинган манба*(фақат жамоат фондлари учун)*	
21. Ҳисобот даврида ННТ фаолиятида вужудга келган муаммолар*(мавжуд бўлган тақдирда)*	
22. ННТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифлар*(мавжуд бўлган тақдирда)*	

* Бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилоти ваколатхонаси ва филиали томонидан қўшимча равишда уларда ишловчи шахсларнинг Ф.И.О., лавозими, туғилган йили ва жойи, фуқаролиги, турар жойи ва телефон рақами кўрсатилган рўйхат илова қилинади.

Мазкур ҳисобот шаклида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

ННТ раҳбари: _____ (имзо) (М.Ў.) Р,Р,Хусанов